

ҒАФУР ҒУЛОМ - “ЎЗБЕК ПОЭЗИЯСИНИНГ ОҚСОҚОЛИ”

*Мардонов Амиржон – Тошкент давлат
юримдик университетининг 4-курс талабаси*

E-mail: amirmardonov39@gmail.com

Tel: +998935434477

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек адабиётининг ёрқин вакили, академик, ёзувчи ва шоир Мирзаориф ўғли Ғафур Ғулом ХХ аср ўзбек поэзиясинига қанча ҳисса қўшганини таҳлили қилинган. Мақолада Ғафур Ғулом асарларида илгари сурилган ғояларнинг бугунги кундаги адабиётимизга аҳамияти тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: поэзия, оқсоқол, ўзбек шоири, ёзувчи, академик, шеърят, лирик қаҳрамони.

Ўзбек адабиётининг йирик намоёндаси, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Ўзбекистон халқ шоири бўлган, таниқли адиб Ғафур Ғулом ўзинг ҳаёти, ижодий мероси, яъни шеърят ва насри билан адабиётда салмоқли ўрин эгаллаган ёзувчилардан ҳисобланади. Унинг ижодий мероси ҳаминша адабиётшунослик ва танқидчиликнинг диққат марказида бўлиб келган. Ғафур Ғуломнинг ижодий меросининг асосли қисмини унинг насрий асарлари яъни қиссалари ташкил этса-да, унинг шеърлари, дostonлари, очерклари ва ҳажвий ҳикоялари ҳам ўзбек адабиётини ривожиди салмоқли ўрин эгаллайди. Зотан унинг ижодига юксак баҳо бериб, Биринчи Президент Ислам Каримов шундай деган эдилар: Ғафур Ғуломнинг ижоди фақатгина Ўзбекистонда эмас, авваламбор ҳар томонлама, бутин дунёга машҳур қилишимиз керак".

Ғафур Ғулом томонидан 30-йилларда яратилган кўплаб насрий асарлари янги инсоний муносабатларга бағишланган ҳисобланади. Бу асарларда асосий ёритилган масала-инсонларнинг ахлоқий тарбияси, унинг маънавий ва маданий ривожини сари кураши ҳисобланади. Бу ўринда "Ёдгор" қиссасини мисол келтириш муҳимдир. Негаки бу асарда инсонларнинг ахлоқий даражалари яққол яратилгандир. Бу қиссада катта қалб эгаси Жўранинг бегона болани ўз фарзанди каби тарбия қилиши унинг раҳмдил ва оқкўнгил характер эгаси эканлиги кўрсатилади. Бундан ташқари, 20-аср бошлари тасвирланган "Шум бола" асари ҳам ёзувчинг насрий қиссалари ичида энг кўзга кўринарлиси ҳисобланади. Асарда турли хил жамиятдаги муаммолар кичкина боланинг ўй-кечинмалари орқали аксини топади. Ваҳоланки, асарда кўплаб қисмлар ҳажвий туйилсада, бунда асосий қаҳрамоннинг фожиали ҳаёт йўли, дарбадарлик ва оворалик даврларини бошидан ўтказиб, ташқи ҳодисаларни инсоннинг ички туйғулари орқали чуқур намоён этишда хизмат қилади. Гарчи олим Ғафур Ғуломнинг ўттиз

беш йиллик ижодий йўлини сиёсий-мафкуравий нуқтаи назардан таҳлил этса ҳам, унинг ички такомилени кузатиш, асарлари поэтик тили ва халқчиллигини аниқлаш, истикбол режаларини прагноз қилишга ҳам ҳаракат қилган эди. Академик Салоҳиддин Мамажонов ҳам Ғафур Ғулом ижодини ўрганишга баракали ҳисса қўшди. Унинг “Шоир ва замонавийлик”, “Ғафур Ғулом прозаси”, “Услуб жилолари” каби йирик монографик тадқиқотларида шоир ижоди ғоявийлик билан бир қаторда, бадий баркамоллик талабларидан ҳам тадқиқ этилди. Ғафур Ғулом шеърини сиёсий-фалсафий руҳи, кўтаринки пафоси, ҳозиржавоб ва долзарблиги, халқчиллиги ва гуманизми жиҳатидан қадрланди. Ғ.Ғулом ижоди:

- а) мумтоз фольклор;
- б) Шарқ шеърини;
- в) рус адабиёти.

каби уч илдиздан озикланиши аниқланиб, шу асосда таҳлил қилинди. Унинг қирқ йиллик ижодий йўлини кузатган адабиётшунос Ғ.Ғуломни “Ўзбек поэзиясининг оқсоқоли,” - деб таърифлади. Мунаққид “Шоир ва замонавийлик” номли китобида Ғафур Ғуломнинг мавзу танлаши, образ яратишдаги индивидуаллиги, ҳаёт материалга ёндашуви, эстетик қарашлари ва бадий ижоди ўртасидаги бирлик каби жиҳатларни ҳаққоний кўрсатишга ҳаракат қилган. “Услуб жилолари” монографиясида эса, Ғафур Ғулом шеърининг лирик қаҳрамони, шоир ижодида анъана ва новаторлик, услуб масалалари, шунингдек, рус адабиёти билан алоқалари, ёш қаламкашларга таъсири текширилди. Ғафур Ғуломнинг устозлари, индивидуал услуби, бошқа қалам соҳибларига таъсири бир бутунликда олиб қаралди. Бошқачароқ қилиб айтганда, шоирнинг поэтик ижоди яхлит тарзда ўрганилди. Адабиётшунос “Ғафур Ғулом прозаси” китобида ёзувчининг наср соҳасидаги маҳоратини очишга, асарларининг жанр хусусиятларини белгилашга, индивидуал услуби, баён тамойилларини кўрсатишга, ижодий методини характерлашга асосий эътибор қаратди. С.Мамажонов тадқиқотлари Ғафур Ғуломнинг воқеликка ёндашуви ва уни идрок этиш усули, ижодий методини тайин этиши каби жиҳатлари билан бугунги адабиётшунослик талабларига тўла жавоб бера олмас-да, ўз даврида катта аҳамият касб этди. Уларда истифода этилган бой фактик материаллар кейинги тадқиқотлар учун таянч вазифасини ўтади.

Адибнинг ижоди серқирра ва бир бирига ўхшамасдир, балки, айнан шу сабаб учун ҳам унинг асарлари одамни ўзига жалб қиладиган ва оз фурсат ичида ўқувчининг бор эътиборини ўзига чулғаб олиши ва унинг ҳаёти воқеаларни тасвир этганлиги билан ўзбек адабиётида салмоқли асарлари билан алоҳида, муҳим ўринлардан бирини эгаллаган. Унинг ижоди билан танишиб, ва унинг беқиёс санъат асарлари билан батафсил танишиб чиқиш, албатта, ўқувчилар учун ҳар тарафлама манфаатли бўлади. Бугунга қадар ҳар бир адиб буюк

мутафаккиримиз Гафур Гулом ижодини чуқур ўрганиб, унинг ижоди, равнақи учун барча зарур жиҳатларни ўз зиммасига олади. Бугун ҳар биримиз уни эъзозлаймиз ва унинг фаолияти билан боғлиқ барча ёдгорликларни зиёрат қиламиз: боғ, уй-музей ва ҳайкалларини.

Манбалар:

- 1) Арбоблар.уз сайтидан Гафур Гулом ҳақида мақола;
- 2) <https://m.aniq.uz/uz/yangiliklar/gafur-gulomning-qodiriya-qarshi-kursatmasi>